

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ
ВА
ГРЕЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ
ЎРТАСИДА
ҲАВО ҚАТНОВЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТУЗИЛГАН
Б И Т И М

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати
ва
Греция Республикаси Ҳукумати

1944 йилнинг 7 декабрида Чикаго шаҳрида имзолаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциясининг қатнашчилари бўлгани ҳолда;

Ўзларининг тегишли ҳудудлари ўртасида ва ҳудудларидан ташқарида мунтазам жадвал бўйича ҳаво қатновларини йўлга қўйиш ва улардан фойдаланиш мақсадида Битим тузиш истагини бир ҳил билдирганликлари ҳолда;

Қуйидагилар хусусида аҳдлашиб олдилар:

1-МОДДА

Атамалар

Агар матнда бошқа мазмун кўзда тутилмаган бўлса, ушбу Битимнинг мақсадлари учун:

- а. "авиация маъмурлари" атамаси Ўзбекистон Республикасига нисбатан – "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг Бош Директорини ва юқорида уқтириб ўтилган ташкилот ҳозирги вақтда бажарадиган ҳар қандай вазифаларни ва шунга ўхшаш ишларни амалга ошириш ваколати берилган ҳар қандай шахс ёки ташкилотни англатади ва Греция Республикасига нисбатан – Фуқаро авиацияси маъмурлигининг Бошлигини ва уқтириб ўтилган маъмурлик ҳозирги вақтда бажарадиган ҳар қандай вазифаларни ёки шунга ўхшаш ишларни амалга ошириш ваколати берилган ҳар қандай шахс ёки ташкилотни англатади;
- б. "Конвенция" атамаси 1944 йилнинг 7 декабрида Чикаго шаҳрида имзолаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияни англатади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - (i) ушбу Конвенциянинг 94 (а) моддасига биноан Конвенцияга киритилган ва кучга кирган ҳамда ҳар икки Аҳдлашувчи Томон тасдиқлаган ҳар қандай тузатишни; ва
 - (ii) ушбу Конвенциянинг 90-моддасига биноан қабул қилинган ҳар қандай Иловани ва ҳар икки Аҳдлашувчи Томон учун маълум вақт ичида қай даражада қўлланиши мумкинлигига қараб унинг Иловаларига киритилган ҳар қандай тузатишни;
- с. "битим" атамаси ушбу Битимни, унга қилинган Иловани ва ҳар қандай қўшимча халқаро шартномаларни ёки ушбу Битимни ёки Иловани тузатувчи шунга ўхшаш ҳужжатларни англатади.
- д. "тайинланган авиакорхона" атамаси ушбу Битимнинг 3-моддасига мувофиқ тайинланган ва ваколат берилган авиация корхонасини англатади;
- ё. "келишилган қатновлар" атамаси ушбу Битимнинг Иловасида кўрсатилган йўналишлар бўйича йўловчилар, юк ва почтани алоҳида ёки бирга ташиш учун жадвалга биноан амалга ошириладиган ҳаво қатновларини англатади;
- ф. "ҳажм" атамаси ҳаво кемасига нисбатан бирор йўналишда ёки йўналишнинг бир қисмида фойдаланилаётган ҳаво кемасининг фойдали иш юклашини англатади ва "ҳажм" атамаси "келишилган қатновларга" нисбатан шундай қатновда ишлатилаётган ҳаво кемасининг маълум вақт ичида ва йўналиш ёки йўналишнинг бир

қисмида амалга оширган ҳамда қатнов такрорийлиги орқали кўпайтирилган иш ҳажмини англатади.

- g. "ҳудуд" атамаси давлатга нисбатан Конвенциясининг 2-моддасида кўрсатиб ўтилган маъноларни англатади.
- h. "ҳаво қатнови", "ҳалқаро ҳаво қатнови", "авиакорхона" ва "нотижорий мақсадларда тўхташ" атамалари Чикаго Конвенциясининг 96-моддасида уларга тегишли равишда кўрсатиб ўтилган маъноларни англатади;
- i. "тариф" атамаси йўловчилар, йўловчилар юки ва юк ташиш учун тўланадиган, қийматни ва ўша қийматлар учун қўлланиладиган қоидаларни англатиб, у ўз ичига вакиллик ва бошқа қўшимча хизматлар учун тўланадиган воситачилик ҳақини олади, бироқ почта ташиш учун тўланадиган хизмат ҳақи ёки қоидалари бундан мустаснодир.
- j. "тайёрагоҳ йиғимлари" атамаси авиакорхоналар тайёрагоҳ, аэронавигация ёки авиация хавфсизлиги мулки ёки қулайликлари билан таъминлангани учун улардан ундириладиган тўловларни англатади;

Ушбу Битим моддаларига берилган номлар ушбу Битим қоидаларини ҳеч қандай йўсинда қисқартирмайди ёки кенгайтирмайди.

2-МОДДА

Ҳуқуқларни бериш

- 1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга унинг тайинланган авиакорхонаси томонидан келишилган халқаро ҳаво қатновларини амалга ошириш мақсадида ушбу Битимда кўрсатилган қуйидаги ҳуқуқларни беради:
 - a. бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидан қўнмаган ҳолда учиб ўтиш;
 - b. бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида нотижорий мақсадларда қўниш ва
 - c. юқорида уқтириб ўтилган ҳудуддаги ушбу Битимга илова қилинган йўналиш жадвалида шу йўналиш бўйича кўрсатилган манзилларда ҳаво кемаси саҳнига халқаро йўналишда алоҳида ёки бирга учаётган йўловчиларни, юкларни ва почтани олиш ёки тушириш мақсадларида қўниш.
- 2. Ушбу модда (1) бандининг ҳеч қайси бир қондаси бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига бошқа Аҳдлашувчи

Томоннинг ҳудудидаги бир манзилдан иккинчи бир манзилга ташиш учун йўловчилар, юк ва почтани олиш ҳуқуқини беради деб қаралмаслиги лозим.

3-МОДДА

Авиакорхонани тайинлаш ва парвозлар учун рухсат бериш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон белгиланган йўналишлар бўйича келишилган қатновларни амалга ошириш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Томонни дипломатик йўллар билан хабардор қилган ҳолда бир авиакорхонани тайинлаш ва тайинлашни бекор қилиш ёки тайинланган авиакорхона ўрнига бошқасини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади.
2. Бундай тайинлаш тўғрисидаги хабарномани олгандан сўнг, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг маъсул маъмурлари ушбу модданинг (3) ва (4) бандлари қоидаларига мувофиқ тайинланган авиакорхонага парвозларни амалга ошириш учун дарҳол тегишли рухсатномаларни беради.
3. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонадан у халқаро ҳаво йўлларида фойдаланиш чоғида Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ одатда ва оқилона татбиқ этиладиган қонун ва қоидаларда кўрсатилган шартларни бажаришга қодир эканлигини исботловчи далилларни талаб қилишга ҳақлидир.
4. Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бири парвоз қиладиган авиакорхонага устунлик қилиш ва унинг фаолияти, устидан ҳақиқий назорат ўрнатиш ҳуқуқи авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг фуқароларига қарашли эканлигини исботловчи далилларга эга бўлмаган ҳар қандай ҳолда бошқа Аҳдлашувчи Томон ушбу модданинг (2) бандида қайд этилган рухсатномаларни беришни рад этиши ёки тайинланган авиакорхона ушбу Битим 2-моддасида белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиш чоғида бажарилиши зарур деб топилган шартларни бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.
5. Ушбу модданинг (1) ва (2) бандлари қоидалари бажарилгандан сўнг, шу тарзда тайинланган ва рухсатнома олган авиакорхона исталган вақтда келишилган қатновларни амалга оширишни бошлаши мумкин, башарти-ки, ушбу Битим 10-моддасининг қоидаларига мувофиқ белгиланган тарифлар шу қатновларга нисбатан кучга кирмагунча бундай қатновлар амалга оширилмайди.

4-МОДДА

Парвозлар учун рухсатномаларни бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинлаган, авиакорхонасига берилган парвозларга доир рухсатномаларни бекор қилиш ёки ушбу Битимнинг 2-моддасида келтирилган ҳуқуқлардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки бундай ҳуқуқлардан фойдаланишда қуйида келтирилган ҳолларда ўзи зарур деб билган шартларни бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, қачонки:
 - (а) бу авиакорхона халқаро ҳаво қатновларига нисбатан ушбу маъмурлар томонидан одатда ва оқилона қўлланиладиган қонун ва қоидаларга жавоб бера оладиган шартларни бажаришга қодир эканлигини исботлашга қодир бўлмаса; ёхуд
 - (б) авиакорхонага устун даражада эгалик қилиш ёки унинг устидан ҳақиқий назорат ўрнатиш ушбу авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ёки ўша Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароларига қарашли эканлигига комил ишончда бўлмаганда; ёхуд
 - (с) бу авиакорхона ўша ҳуқуқларни берган Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида татбиқ этилган қонун ва/ёки қоидаларга риоя этмаётган ҳолда; ёхуд
 - (д) авиакорхона ушбу Битимда келишилган қатновларга нисбатан белгиланган талабларга ўзгача риоя қилган ҳолда.
2. Агар ҳуқуқларни дарҳол бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки ушбу модданинг (1) бандида белгиланган шартларни бажарилишини талаб қилиш бундан буён қонун ва/ёки қоидаларнинг бузилишини олдини олиш учун зарур огоҳлантириш деб топилмаса, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бундай ҳуқуқдан иккинчи Аҳдлашувчи Томон билан бўладиган маслаҳатлашувлардан сўнг фойдаланиши мумкин.

5-МОДДА

Қонунлар ва қоидаларнинг қўлланилиши

1. Халқаро парвозларни амалга ошираётган ҳаво кемаларининг ўз ҳудудига учиб киришини, унда бўлиб туришини ёки ундан жўнаб кетишини тартибга солувчи, ёхуд бундай ҳаво кемаларидан ўз ҳудуди доирасида фойдаланишига оид бир Аҳдлашувчи Томоннинг қонун, қоидалари ва тартиботлари бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонасининг ҳаво кемаларига нисбатан юқорида қайд этилган ҳудудга учиб кириш, у ерда бўлиш ва у ердан жўнаб кетиш чоғида қўлланилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ўз ҳудудига кириш, мамлакатга кириш солиқларидан озод қилиш, у ерда бўлиш ва транзит тўхташ, эмиграция ва иммиграция, божхона ва карантин масалаларига тааллуқли бўлган қонун ва қоидалари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига қарашли ҳаво кемасидаги йўловчиларга, экипажга, юкларга ва почтага нисбатан биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида транзит тўхташ, кириш, у ерда бўлиш ва у ердан қайиб кетиш чоғида қўлланилади.
3. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидан бевосита транзит орқали ўтадиган ва бу мақсад учун тайёрагоҳ ҳудудидан ажратилган жойдан четга чиқмайдиган бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг йўловчилари, йўловчилар юки ва юклар соддалаштирилган назоратдан ўтадилар. Транзит йўловчиларнинг юки ва юклар божхона солиқлари ва бошқа шу сингари йиғимлардан озод қилинади.

6-МОДДА

Гувоҳнома ва рухсатномаларни эътироф этиш

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бири берган, ёки ҳақиқий деб топган, ҳамда амалда бўлган яроқлик гувоҳномалари, ваколатномалар ва рухсатномаларни ушбу Битимда назарда тутилган қатновларни амалга ошириш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳам ана шу ҳужжатлар амалда бўлган вақтида ҳақиқий деб эътироф этади, башарти, бу гувоҳнома ва рухсатномалар берилишига ёки ҳақиқий деб эътироф этилишига асос бўлган талаблар Конвенцияга мувофиқ белгиланган энг кам талаблар даражасига тенг ёки ундан юқори бўлса. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз фуқароларига ўзининг ҳудудида парвоз қилиш учун бошқа Аҳдлашувчи Томон ёки бирон-бир бошқа давлат берган ёки ҳақиқий деб топган ваколатлар ва рухсатномалар тўғрисидаги гувоҳномаларни эътироф этишни рад этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.
2. Агарда бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари томонидан бирон-бир шахсга ёки тайинланган авиакорхонага ёки белгиланган йўналишлар бўйича келишилган қатновларни амалга ошираётган ҳаво кемасига берилган юқоридаги (1) бандда қайд этилган гувоҳнома ва рухсатномалар Конвенция жорий этган мезон талабларидан фарқланса ва бу фарқ Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти томонидан инобатга олинган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари ҳал қилинаётган масала улар учун тўғри келишига ишонч ҳосил қилиш мақсадида шу Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари билан ушбу Битимнинг 14-моддасига биноан маслаҳатлашувлар ўтказишни талаб қилишлари мумкин. Қониқарли келишувга эришилмаган тақдирда, ушбу Битимнинг 4-моддасини қўллашга асос юзага келади.

7-МОДДА

Авиация хавфсизлиги

1. Аҳдлашувчи Томонлар халқаро қонунлардан келиб чиқадиган ўзларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига мувофиқ ғайриқонуний аралашув ҳатти-ҳаракатларидан фуқаро авиациясининг хавфсизлигини таъминлашга доир бир-бирларига нисбатан зиммага оладиган ўзаро мажбуриятлари ушбу Битимнинг ажралмас қисми эканлигини яна бир бор тасдиқлайдилар. Аҳдлашувчи Томонлар халқаро қонунлардан келиб чиқадиган ўз ҳуқуқларининг ва мажбуриятларининг умумий қўлланишини чекламаган ҳолда, 1963 йил 14 сентябрда Токиода имзоланган Ҳаво кемаларида содир этиладиган жиноятлар ва бошқа баъзи бир ҳаракатлар тўғрисидаги Конвенция, 1970 йил 16 декабрда Гаагада имзоланган Ҳаво кемаларини ғайриқонуний равишда тутқун қилиб олишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция, ҳамда 1971 йил 23 сентябрда Монреалда имзоланган фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриқонуний ҳаракатлар ҳақидаги Конвенция, 1988 йил 24 февралда Монреалда имзоланган Халқаро тайёрагоҳларда ғайриқонуний куч ишлатиш ҳаракатларига қарши кураш тўғрисидаги Баённома қоидаларига, ҳамда кейинчалик Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида шу соҳада тузиладиган барча бошқа халқаро ҳужжатларга мувофиқ иш кўрадилар.
2. Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларининг илтимосларига кўра ҳаво кемасини ғайриқонуний тутқун қилишнинг бу ҳаво кемаси, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, тайёрагоҳлар ва қатновни таъминлаш воситаларига хавф туғдурувчи бошқа ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг, шунингдек, фуқаро авиацияси хавфсизлигига таҳдид қилишнинг ҳар қандай кўринишини олдини олишда бир-бирларига барча зарурий ёрдамни берадилар.
3. Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро муносабатларида ўзларига нисбатан қай даражада қўлланилишига қараб Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти томонидан белгиланган ва Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга киритилган Иловаларда тавсифланган авиация хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ иш кўрадилар. Улар рўйхатга олиш бўйича ҳаво кемаларининг фойдаланувчиларидан, асосий фаолият жойи ёки доимий турар жойи ўз ҳудудларида жойлашган ҳаво кемаларининг фойдаланувчиларидан ва ўз ҳудудларида жойлашган халқаро тайёрагоҳларнинг фойдаланувчиларидан авиация хавфсизлигининг юқоридаги қоидаларига мувофиқ иш кўришларини талаб қиладилар.
4. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемасидан фойдаланувчиларга нисбатан бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемаси ўз ҳудуди чегараларига кириб келаётганида, ундан чиқиб кетаётганида ёки унда бўлиб турган вақтида юқоридаги (3) бандда уқтирилган авиация хавфсизлигига оид қоидаларга амал қилиши тўғрисида зарур

талабларни қўйиши мумкин.

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемаларини ҳимоя қилиш, йўловчиларни ва уларнинг юklarини, экипаж аъзоларини, йўловчиларнинг енгил юklarини ўз ичига олгани ҳолда, юklarни ва тайёра заҳираларини ҳаво кемаси саҳнига олиш ёки ортиш вақтидан олдин ёки вақтида текшириш учун ўз ҳудуди доирасида самарали чора-тадбирларни кўрилишини таъминлайди. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг, башарти, аниқ таҳдид мавжуд бўлган ҳолда, оқилона доираларда хавфсизликни таъминлаш юзасидан махсус чора-тадбирлар кўришга доир илтимосларини ҳам хайрихоҳлик билан кўриб чиқади.

5. Башарти, фуқаро ҳаво кемаси тутқун қилиб олинса ёки уни тутқун қилиш таҳдиди мавжуд бўлса ёки ҳаво кемаси, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, тайёрагоҳлар ва қатновни таъминлаш воситаларига бошқа гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинса, Аҳдлашувчи Томонлар алоқани енгиллатиш ва бундай кўнгилсизлик ёки таҳдидга жадал, ҳамда бешикаст барҳам беришнинг барча зарур чора-тадбирларини кўриш орқали бир-бирларига кўмак берадилар.

8-МОДДА

Тижорий фаолият

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида ўзининг ваколатхонасини очиш ҳуқуқига эга бўлади.
2. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида ўша бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг кириш, яшаш ва иш билан таъминлашни тартибга солувчи қонун ва қоидаларига мувофиқ келишилан йўллардан фойдаланишни таъминлаш учун зарур бўлган ўзларининг маъмурий, тижорий, техник, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ходимлардан ташкил топган ваколатхоналарини очиш ва уларни ушлаб туриш ҳуқуқига эга бўлади.
3. Бош вакил ёки сотишни таъминлайдиган бош вакилни тайинлаш, ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг амалдаги қонун ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.
4. Ҳар бир тайинланган авиакорхона бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида бевосита ёки агентлар орқали миллий қонун ва қоидаларга асосан ҳаво ташувларини сотиш ҳуқуқига эга бўлади ва истаган шахс бундай ташувларни эркин сотиб олиш имкониятига эга бўлади.
5. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг

худудиди йўловчиларни, юкларни, ва почтани ҳаво ташувлари орқали ишлаб топган маблағларининг харажатларидан ортиган фойда қисмини амалдаги чет эл валютасини алмашиш қоидаларига биноан ўзининг худудига ўтказиш ҳуқуқини беради.

6. Агар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ишлаб топган маблағларининг харажатларидан ортиган фойда қисмини ўтказишига чеклашлар қўлласа, бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳам биринчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига нисбатан худди шундай чеклашларни қўллаши мумкин.

9-МОДДА

Божхона божлари ва бошқа солиқлардан озод қилиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзаро келишув асосида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасини, имкон қадар, тўлақонли равишда ўзининг миллий қонунлари доирасида ҳаво кемаси, ёқилғи, мойлаш воситалари, техник эҳтиёжларининг заҳиралари, двигателларни ўз ичига олгани ҳолда эҳтиёт қисмлар, ҳаво кемаси мосламалари, тайёра—заҳиралари ва келишилган йўллардан фойдаланиш чоғида бу бошқа Аҳдлашувчи Томон авиакорхонасининг ҳаво кемаларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бошқа буюмларга бўлган импорт чекланишлари, божхона божлари, бошқа солиқлар, назорат йиғимлари ва бошқа миллий солиқлар ва тўловлардан озод қилади. Шунингдек, чипта заҳиралари, ҳаво йўли рўйхатлари, компаниянинг нишонасига эга бўлган босмадан чиққан ҳар қандай материаллар ва шу тайинланган авиакорхона томонидан бепул тарқатиш учун мўлжалланган оддий реклама материаллари ҳам бундай солиқлардан озод қилинади.
2. Ушбу моддада назарда тутилган озод қилиш ушбу модданинг (1) бандида зикр этилган буюмларга тааллуқлидир:
 - (а) бир Аҳдлашувчи Томоннинг худудига бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхона томонидан ёки унинг номидан олиб кирилган;
 - (б) бир Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонанинг ҳаво кемасида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг худудига келган ёки у ердан жўнаб кетаётган пайтида сақланиб қолган;
 - (с) бир Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонасининг ҳаво кемаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг худудига тайёра саҳнига олган ва келишилган йўлларда парвоз қилиш вақтида ишлатиш учун мўлжалланган ушбу буюмлар ўша озод қилиш тўғрисидаги ҳуқуқларни берган бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг худудига

бутунлай ишлатилишидан қатъий назар, башарти, ушбу буюмлар айтиб ўтилган Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида бегоналаштирилмаган бўлса.

3. Рўйхатдаги мол-мулк, шунингдек, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхонасининг ҳаво кемаси саҳнида одатда сақланадиган ашёлар ва заҳиралар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида фақатгина шу Аҳдлашувчи Томоннинг божхона маъмуриятларининг рухсати билан туширилиши мумкин. Бундай ҳолда, ушбу буюмлар қайтиб олиб чиқиб кетилгунга қадар ёки божхона қоидаларига биноан бошқа жойга кўчирулгунга қадар шу уқтириб ўтилган маъмурларнинг назорати остига жойлаштирилиши мумкин.

10-МОДДА

Тайёрагоҳ йиғимлари

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига ўз назорати остидаги тайёрагоҳлар ва бошқа авиация воситаларидан фойдаланиш учун одил ва маъқул миқдорда солиқ солиши ёки солишга рухсат бериши мумкин.

Бироқ, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон шуни ҳисобга оладиги, бундай харажатлар миқдори шундай халқаро ҳаво қатновларида машғул бўлган бошқа миллий авиакорхоналардан бундай тайёрагоҳлардан ва авиавоситалардан фойдалангани учун ундириладиган йиғимлардан юқори бўлмаслиги лозим.

11-МОДДА

Ҳажм бўйича қоидалар ва парвозлар жадвалини тасдиқлаш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига белгиланган йўналишлар бўйича келишилган ҳаво йўлларида фойдаланиш учун маъқул ва тенг имкониятлар яратиб берилади.
2. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси келишилган йўллардан фойдаланиш чоғида ўзидан кейин шу йўналишдан тўла ёки унинг бир қисмидан фойдаланадиган бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси манфаатларига ноодил зиён етказмаслигини назарда тутган ҳолда иш кўради.
3. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари томонидан келишилган йўлларда амалга ошириладиган қатновлар белгиланган йўналишларда умумий ҳаво ташувига бўлган аҳолининг эҳтиёжларига боғлиқ равишда мувофиқ келишлари лозим ва ҳар бир авиакорхона уни тайинлаган Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидан ёки ҳудудига йўловчиларни, юкларни ва почтани ташишга бўлган мавжуд ва одил

мўлжалланган эҳтиёжларига жавоб бера оладиган иш юклашни маъқул миқдоридаги ҳажмни таъминлашни биринчи даражали масала деб билиши лозим.

4. Авиакорхонани тайинловчиси бўлмаган бошқа давлатларнинг ҳудудларида белгиланган йўналишлардаги манзилларда олинган ёки у ерда қолдирилган йўловчиларни, юкларни ва почтани ташишни таъминлаш ҳар икки Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида келишиб олинади.
5. Келишилган қатновларда ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси таклиф қилаётган ҳажм, қатновларнинг такрорийлиги ва авиакорхоналар томонидан фойдаланадиган ҳаво кемаси турига тааллуқли бўлган масалалар тайинланган авиакорхоналарнинг тавсиясига биноан авиация маъмурлари ўртасида келишиб олиниши лозим. Тайинланган авиакорхоналар бундай тавсияларни улар ўртасида зарур маслаҳатлашувлардан сўнг ушбу модданинг 1, 2 ва 3-бандларида келтирилган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда беришлари лозим.
6. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари юқоридаги 5-банда кўрсатилган масалалар бўйича ўзаро муросага келаолмасалар, бу ҳолда улар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари ўртасидаги келишув орқали ҳал этилиши лозим. Бундай келишув қабул қилингунга қадар тайинланган авиакорхоналар томонидан таъминланган ҳажм ўзгармасдан қолиши лозим.
7. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси белгиланган йўналишлар бўйича келишилган қатновларни амалга оширишни бошлашдан камида ўттиз кун олдин бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларига тасдиқ учун парвозлар жадвалини тақдим этиши лозим.
Бу қоида кейинги ўзгартиришларга ҳам тааллуқлидир. Махсус ҳолларда, бу муддат юқорида айтиб ўтилган маъмурлар рухсати билан қисқартирилиши ҳам мумкин.

12-МОДДА

Ҳаво транспорти тарифлари

1. Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг тайинланган авиакорхонасидан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидан ёки ҳудудига келишилган йўлларда ташувлар учун олинадиган тарифлар барча мавжуд омилларни инобатга олиб фойдаланиш харажатларини, фойданинг оқилона миқдорини ва қатновлар тавсифини, ҳамда зарур бўлганда, шундай йўналишлардан қисман ёки тўла фойдаланаётган бошқа авиакорхоналарнинг тарифлари мезонларига асосланган ҳолда оқилона меёрда белгиланиши лозим.

2. Ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган тарифлар қуйидаги қоидаларга мувофиқ ўрнатилиши лозим:

- (a) қачонки, ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари қатъий миқдорни белгилаш қоидаларига эга бўлган бирор халқаро авиакорхоналар уюшмасининг, масалан, Халқаро ҳаво транспорти уюшмасининг, аъзоси бўлса ва келишилган ҳаво қатновларига нисбатан тариф бўйича қабул қилинган қарор мавжуд бўлса, тарифлар Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари томонидан шундай тариф бўйича қарорга мувофиқ келишиб олинishi лозим. Ушбу моддани қўллашда бирон-бир бошқа қарорга келинган ҳолларда, ҳар бир тайинланган авиакорхона фақат ўзининг авиация маъмурлари олдида шу тариқа келишиб олинган тарифларнинг қонунийлиги ва яроқлиги учун жавобгар бўлади;
- (b) келишилган ҳаво қатновларига нисбатан тариф бўйича қарор бўлмаган ҳолда ёки ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари юқоридаги (a)-бандда қайд этилган авиакорхона уюшмасининг аъзоси бўлмаган тақдирда, Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари келишилган ҳаво қатновларига нисбатан қўлланилиши керак бўлган тарифлар хусусида ўзаро келишиб олишлари лозим.
- (c) Шу тарзда ўзаро мувофиқлаштирилган тарифлар уларни амалда жорий қилиш тахмин қилинган кунга камида олтмиш (60) кун қолганида ҳар иккала Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларига тасдиқлаш учун тақдим этилиши шарт. Уқтириб ўтилган маъмурларнинг рухсати билан мазкур муддат қисқартирилиши мумкин.
- (d) Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари тўланиши лозим бўлган тарифлар борасида бирор қарорга кела олмасалар, ёки бир Аҳдлашувчи Томон келишилган ҳаво қатновларини амалга ошириш учун ўзининг авиакорхонасини тайинламаган бўлса, ёки юқоридаги (c) бандда кўрсатилган олтмиш (60) кунлик муддатнинг биринчи ўттиз (30) куни мобайнида бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари иккинчи Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларига юқоридаги (a) ва (b) бандлар бўйича Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари ўртасида келишилган ҳар қандай тариф тўғрисидаги ўз норозилигини билдирса, Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари тўланадиган тегишли тарифлар борасида ўзаро аҳдлашиб олишга ҳаракат қиладилар.

3. (a) Аҳдлашувчи Томонлардан бирон-бирининг авиация маъмурлари томонидан тасдиқланмаган тақдирда, ҳеч қандай тариф кучга кирмайди.

(b) Ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ белгиланган тарифлар янги тарифлар белгилангунга қадар ўз кучини сақлаб қолади.

4. Башарти, авиация маъмурлари ушбу модда қоидаларига мувофиқ тақдим этилган тарифлар борасида ёки ҳар қандай бошқа тарифни белгилаш юзасидан келиша олмасалар, бу бахс ушбу Битимнинг 15-моддаси қоидаларига мувофиқ ҳал этилиши лозим.
5. Агарда Аҳдлашувчи Томонлардан бирортасининг авиация маъмурлари ўрнатилган тарифдан норози бўлсалар, улар бу ҳақда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларини огоҳлантиришлари лозим ва тайинланган авиакорхоналар, зарур бўлган тақдирда, келишиб олишга ҳаракат қилишлари лозим. Агарда ушбу огоҳлантириш олингандан сўнг тўқсон (90) кун муддат мобайнида ушбу модданинг (2) ва (3) бандларига мувофиқ янги тариф белгилашнинг иложи бўлмаса, ушбу модданинг (4) бандида келтирилган тартиботлар қўлланиши лозим.

13-МОДДА

Статистик маълумотлар билан таъминлаш

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларини уларнинг илтимосларига биноан биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига ёки ҳудудидан келишилган йўлларда амалга ошираётган ташувлар билан боғлиқ бўлган ахборот ва статистик маълумотларни, улар тайинланган авиакорхона томонидан ўз миллий авиация маъмурлари учун тайёрланган ва тақдим этилгандек, беришлари лозим. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларидан сўраган ҳаво ташуви бўйича ҳар қандай қўшимча статистик маълумотлар Аҳдлашувчи Томонларнинг ўртасида ўзаро муҳокама қилиниши ва келишиб олиниши лозим.

14-МОДДА

Маслаҳатлашувлар ва ўзгартиришлар

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ёки унинг авиация маъмурлари исталган вақтда бошқа Аҳдлашувчи Томон билан ёки унинг авиация маъмурлари билан маслаҳатлашувлар ўтказишни сўраши мумкин.
2. Маслаҳатлашувлар уларни ўтказиш тўғрисида Аҳдлашувчи Томонларнинг биридан ёки унинг авиация маъмурларидан талаб тушган кундан бошлаб олтиш (60) кун ичида бошланиши лозим.

3. Ушбу Битимга киритилиши лозим топилган барча ўзгартиришлар Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларини халқаро битимларнинг тузилиши ва кучга кириши учун зарур бўлган ички қонунчилик тартиботларини бажарганликлари тўғрисида хабардор қилганларидан сўнг кучга киради.
4. Юқоридаги (3) банд қоидаларидан қатъий назар, ушбу Битимга илова қилинган йўналишлар жадвалига ўзгартиришлар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари ўртасида бўладиган бевосита келишувга биноан киритилиши мумкин. Ушбу ўзгартиришлар дипломатик ноталар алмашуви орқали тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

15-МОДДА

Низоларга барҳам бериш

1. Ушбу Битимни талқин қилиш ва қўллаш юзасидан Аҳдлашувчи Томонларнинг ўртасида келиб чиққан ҳар қандай низо биринчи навбатда тўғридан-тўғри музокаралар орқали ҳал қилиниши лозим.
2. Агарда Аҳдлашувчи Томонлар музокаралар орқали муросага кела олмасалар, улар бу баҳсни ҳакамлик фикри учун бирор шахс ёки ташкилотга топширишлари мумкин.
3. Агарда Аҳдлашувчи Томонлар юқоридаги (1) ва (2) бандларга кўра музокаралар орқали бир қарорга кела олмаслар, бу баҳс ҳар бир Аҳдлашувчи Томон биттадан тайинлайдиган икки ҳакам ва ана шу икки ҳакам келишиб тайинлайдиган яна бир ҳакамдан иборат – жами уч ҳакамдан ташкил топадиган Арбитраж суди ихтиёрига топширилиши мумкин. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон масалани арбитраж суди орқали ҳал қилиш тўғрисидаги дипломатик йўллар билан талабномани олган кундан бошлаб ўттиз (30) кун ичида биттадан ҳакам тайинлаши лозим ва учинчи ҳакам юқоридаги икки ҳакам тайинланган кундан эътиборан олтмиш (60) кунлик давр ичида тайинланиши лозим. Башарти, Аҳдлашувчи Томонлардан бири белгиланган муддат ичида ўз ҳакамини тайинлай олмасалар, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг Кенгаши Президентига Аҳдлашувчи Томонларнинг истаган бири томонидан ҳакам ёки ҳакамларни тайинлашни амалга ошириш тўғрисидаги талаб қўйилиши мумкин; башарти, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг Президенти Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса, Кенгаш Президентининг катта ёрдамчисидан ёки, агар у ҳам шу давлатнинг фуқароси бўлса, Кенгашнинг шу давлат фуқароси бўлмаган катта аъзосидан, шароитга қараб, ушбу тайинлашни амалга оширишни илтимос қилиниши мумкин. Учинчи ҳакам учинчи давлатнинг фуқароси бўлиб арбитраж судининг Раиси сифатида иш юритади ва ҳакамлик кенгаши йиғиладиган жойни ўзи белгилайди.

4. Арбитраж суди ўзининг иш тартиботларини ўзи белгилаб олади.
5. Арбитраж судининг харажатлари Аҳдлашувчи Томонларнинг ўртасида тенг бўлинади.
6. Аҳдлашувчи Томонлар арбитраж судининг ушбу моддага мувофиқ чиқарилган қарорларини бажариш мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар.
7. Агарда Аҳдлашувчи Томонлардан бири ёки унинг тайинланган авиакорхонаси ушбу модданинг (3) бандига мувофиқ чиқарилган қарорларни бажармаса, бошқа Аҳдлашувчи Томон ушбу Битимга асосан берган ҳар қандай ҳуқуқ ва имтиёзларнинг амал қилишини чеклаб қўйиши, тўхтатиши ёки бекор қилиши мумкин.

16-МОДДА

Битим амал қилишини тўхтатиш

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон истаган вақтида бошқа Аҳдлашувчи Томонга ушбу Битимнинг амал қилиш муддатини тўхтатиш истагида эканлиги тўғрисидаги хабарномани дипломатик йўллар орқали юбориши мумкин. Бундай хабарнома бир вақтнинг ўзида Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО)га ҳам юборилади.

Бу ҳолда ушбу Битим ўз амал муддатини бир Аҳдлашувчи Томоннинг хабарномасини бошқа Аҳдлашувчи Томон олган кундан бошлаб ўн икки ойлик муддат ўтгандан сўнг якунлайди, агарда ўзаро келишувга асосан хабарнома шу муддат тугагунга қадар орқага қайтариб олинмаган бўлса. Башарти, бошқа Аҳдлашувчи Томон хабарномани олганининг тасдиғи бўлмаса, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) хабарнома олгандан сўнг ўн тўрт (14) кун ўтгач шу кундан бошлаб бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тасдиғи олинган ҳисобланади.

17-МОДДА

Кўптомонлама Конвенцияга мувофиқлаштириш

Агарда ҳар икки Аҳдлашувчи Томонга нисбатан ҳаво транспорти ҳақидаги асосий кўптомонлама конвенция ёки шартнома кучга кирган бўлса, ушбу Битим ва унинг Иловаси тегишли равишда ўзгартирилиши лозим.

18-МОДДА

Рўйхатга олиш

Ушбу Битим, унинг Иловаси ва унга киритилган ҳар қандай тузатишлар Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО)да рўйхатдан ўтказилиши лозим.

19-МОДДА

Битимнинг кучга кириши


Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Битимнинг кучга кириши учун зарур бўлган ўзларининг тегишли ички қонунчилик тартиботларини бажариб бўлганлиги тўғрисидаги хабарномани дипломатик йўллар орқали бир-бирларига тақдим этганларидан сўнг кучга кирилади.

Ушбунини тасдиқлаб, ўз Ҳукуматлари томонидан тегишли ваколатга эга бўлган мухтор вакиллар мазкур Битимни имзоладилар.

1996 йилнинг "26" _____ ноембарда Тошкент шаҳрида ўзбек, грек ва инглиз тилларида икки нусхада имзоланди. Ҳар уч матн бир ҳил кучга эгадир.

Ушбу Битимни талқин қилишда тушунмовчиликлар бўлган тақдирда инглиз тилидаги матн устивор даражада қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати номидан



Греция Республикаси
Ҳукумати номидан



И Л О В А

ЙЎНАЛИШ ЖАДВАЛИ

1. I-ЖАДВАЛ

Ўзбекистон Республикасининг тайинланган авиакорхонаси
фойдаланадиган йўналишлар:

Ўзбекистондаги манзиллар - Афина, Греция

2. II-ЖАДВАЛ

Греция Республикасининг тайинланган авиакорхонаси фойдаланадиган
йўналишлар:

Грециядаги манзиллар - Тошкент, Ўзбекистон

3. Оралиқ манзилларга ва ташқаридаги манзилларга қўниш тайинланган авиакорхоналар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай манзиллар ва бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудуди ўртасида ҳаво қатновларини амалга ошириш учун бешинчи ҳаво эркинлигининг тижорий ҳуқуқларидан фойдаланиш тайинланган авиакорхоналар ўртасида шу тўғрида битимга келишилган ва ҳар икки Аҳдлашувчи Томонларнинг тегишли авиация маъмурлари томонидан тасдиқланган тақдирда мумкин бўлади.